

«ШАРИПОВНИНГ АЙБИ НИМА?»

Шу ном билан газетамизда чоп этилган мақолага Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муносабати.

3-6-бетлар

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

ХАЛҚ НАФРАТИ

Айбланувчиларнинг тергов тугагунча тақдимнома жўнатилиб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилиниши, одамларда жабрланувчига нисбатан ачиниш, айбдорларга нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотади.

4-бет

САМОЛАРДА СЎЙЛАГАНИМ СЕНСАН, ОНА ЮРТ!

Бизда Бибиҳоним мадрасаси аёлга эҳтиром рамзи сифатида қурилган. Тожмаҳални ҳам боболаримиз қуришган. Қалбимизда ўзбек аёлига нисбатан меҳр-муҳаббат яшаб келган.

7-бет

2000 йил,

2 - 8 август, № 30 (146)

МУСТАҚИЛЛИК

ХУЖУК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙМОҚДА БИРОҚ ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ҲАЛИ ЭРТА



Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлисида 2000 йилнинг биринчи ярмида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар якуни ва мамлакатимиз президенти Ислам Каримовнинг Вазиirlар Маҳкамасининг ярим йиллик якунига бағишланган йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Кун тартибидоги масала юзасидан Бош прокурорнинг 1-ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Азимжон Эргашев маъруза қилди.

— Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида кўпгина ижобий ўзгаришлар рўй бериб, давлатимизнинг дунё миқёсидаги обрўси яна ҳам мустаҳкамланди. Бунда, албатта, прокуратура идораларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бироқ, масалага танқидий ёндашиб, ислохотлар йўлида барқарор боришимизга тўсиқ бўлаётган муаммо ва қийинчиликларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳали кўп иш қилишимиз кераклиги аён бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривож-

ланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида юртбошимиз қишлоқда ислохотларни жадаллаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратди.

Чунки қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишда сансо-ларликка ва масўлиятсизликка йўл қўйилмоқда. Фермерларга тазййқ ўтказиш, уларнинг ҳўқуқларини пой-мол этиш давом этмоқда. Деҳқон-ларнинг ҳўқуқлари бузилмоқда. Ки-чик ва хусусий тadbиркорликни ри-вожлантириш борасидаги тadbир-

лар талабга жавоб бермайди.

Фалла ўрим-йиғими даврида қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан қатъий топшириқ берилганига қарамадан Бешарик тумани ҳокимининг ноқонуний қўрсатмаси билан ёрдамчи ҳўжалиги бор таш-килотларнинг ишни ва хизматчиларидан 35 тонна дон йиғиштириб олиниши фактига прокурорнинг эътибор бермаганлиги, тadbиркор-ларни ҳар қандай қонунсиз текши-ришлардан ҳимоя қилиш ўрнига уларнинг фаолиятига асоссиз ара-лашишлар билан ҳеч қачон кели-шиб бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти прокурату-раси идоралари деҳқон-фермер ва тadbиркорларга ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини етарли дара-жада таъминламаганлар. Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Са-марқанд, Сурхондарё, Тошкент ви-лоятлари ва Қорақалпоғистон Рес- (Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИНИ ЎҚИБ

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий - иқтисодий тараққиётининг 2000 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида ислохотлар йўлида қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларимиз атрофлича таҳлил этилиб, олдимизда турган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Тошкент вилоят прокуратурасида ана шу мажлисда юртбошимиз сўзлаган маърузадан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Айтиш жоизки, маърузада тилга олинган масалаларнинг аксарияти бизнинг фаолиятимизга тегишли бўлиб, ўзидан зиммамизга янги-янги вазифаларни юклайди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ТАМОЙИЛИ

Юртбошимиз маърузасида тилга олинган масалалар мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бугун, хусусан биз - прокуратура ходимлари олдида ҳам гоётада масўлиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар моҳияти шу билан изоҳланадики, биз ўз олдимизга қўйган эзгу максadларга эришиш, янгилаштириш жараёнларини муваффақиятли равишда ниҳоясига етказиш учун авваламбор қонунчиликни мустаҳкамлашимиз зарур. Қонунчилик, қонун устиворлиги, Президентимиз айтганларидек, демократик тараққиётимизнинг бош тамойили бўлиб қолаверад.

Бинобарин, бизнинг ушбу маърузадан келиб чиқадиган биринчи ва ҳал қилувчи вазифамиз бу - бугунги ҳаётимизда қонунчиликни янада мустаҳкамлашдир. Чунки Президентимиз тилга олиб ўтган долзарб муаммоларнинг барчаси охир- пировардида мана шу масалага бориб тақалади. Масалан, юртбошимиз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталдилар. Уларнинг ишига ноқонуний аралашиб, назорат идоралари томонидан беҳуда текширувларга йўл қўймаслик кичик ва ўрта бизнес қорхоналари эркин фаолият юритишининг муҳим бир шарти эканини айтиб ўтдилар. Бу борада Текширувлар китоби жорий этилган, (Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон дунёга бўйламоқ-да. Унинг забардаст ўғлонлари ҳар бир соҳада юртимиз доврў-ғини оламга ёймоқда.

Қорёда бўлиб ўтган таъқвандо бўйича III очик жаҳон чемпи-натда ўзбек ўғлони, Тошкент ша-ҳар прокуратураси ходими Аҳмад Бердимуродов ғолиб бўлибди, деган хушхабардан бағоят ғурур-ландик.

— Бундай муваффақият - мус-тақиллик менга берган олий нёъмат. Ғалабамни Мустақиллик-нинг 9 йиллигига бағишлайман, - дейди чемпион.

(Бу ҳақда 8 - саҳифада ўқийсиз.)

АНЖУМАН

ИНКАССАЦИЯ ТИЗИМИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида инкассация бирлашмаларининг аҳамияти катта. Шундай экан, бугун бозор инфраструктурасига қадам-бақадам кириб келаётган Республикаимизда инкассация тизими қандай ўрин тутмоқда? Бирлашма фаолиятида қандай муаммолар мавжуд? Бирлашмада юридик хизмат қандай даражада ташиқил этилган?

лашнинг асосий йўналишлари бўйича қилинган ишлар муҳокама қилинди.

Семинар йиғилишини Республика ин-кассация бирлашмаси раҳбари Ҳамдам Носиров кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Шундан сўнг сўзга чиққан бирлашма бош ҳўқуқшуноси Ханифа Умарова кат-нашчиларга йиғилишнинг ўтказилишидан кўзда тутилган максad, бирлашмадаги юридик хизмат ходимлари фаолиятлари ҳақида ва ярим йиллик фаолият юзасидан қилчақа ахборот бериб ўтди.

Семинар йиғилишида Республика про-куратураси, Адлия вазирлиги ва Респу-блика Марказий банки идораларининг масўул ходимлари, инкассация бирлаш-масининг жойлардаги бошқармалари хо-димлари иштирок этишди.

Хўжалик жиноятлари ва унинг келиб чиқишининг олдини олиш, қорхоналар томонидан қонунга зид шартномалар ту-зилганлиги учун жавобгарлик масалалари юзасидан Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси прокурори Пўлат Назаров маърузаси тингланди.

Ҳўқуқий давлатда ҳўқуқий муносабат-ларга бориб тақалмайдиган фаолият бўлмагани каби, бозор муносабатларини

ҳам шартномавий муносабатларсиз та-саввур қилиб бўлмайди. Бугун қорхона-ташкилотлар ўртасидаги шартномавий муносабатлар қай даражада шаклланди? Тўғрисини айтиш керак, ҳали талабга жа-воб бермайди, дея таъкидлади у.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шартно-мавий муносабатларда 15 фоиз ҳақчи олдиндан тўлаш шартларига баъзан амал қилинмапти. Шартномавий муносабатга киришшидан олдин томонларнинг иқти-содий имкониятларни ўрганилмапти. Таж-рибада кўраямизки, ҳатто банкрот хола-тига келиб турган ташкилотлар билан шартнома тузиш, масўул етказиб бе- (Давоми 2-бетда).

28 июль куни Тошкент вилояти мар-казий банки мажлислар залида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси инкассация бирлашмасининг навбатдаги ўқув - семи-нар йиғилиши юқоридаги каби саволлар-

«ХУКУК»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Конун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пўлатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳрирнинг фикридан
фарқланishi мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширланган кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер маркасида
Pentium-II MMX - 333
компьютеридида саҳифаланди.

«Хуқуқ» оригинал-макет

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 752
Нухсани — 14650

Босмахонага топшириш
вакоти 20.00
Босмахонага
топширилди 19.30

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Ҳ.НИШОНОВ
Навбатчи: Н.МАХМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙМОҚДА

(Бошлангичи 1-бетда).

публикаси прокуратура идоралари-
нинг хусусий тадбиркорликни ри-
вожлантиришга доир қонунлар иж-
роси устидан назорати қониксарсиз
ахволда.

Самарқанд вилоятида кичик ва
ўрта бизнес субъектларига лойиҳа
бўйича кредит линиялар очиб тўғри-
сидаги аризаларга асосан нима учун
116 млн. сўм кредит берилмай қол-
гани масаласига ким қонуний баҳо
беради?

Акцияларни эркин савдога чиқар-
ишда қўнубузарликлар давом эт-
моқда.

Мамлакатимизда рўйхатга олин-
ган кўшма корхоналарнинг атиги 52
фоизи фаолият кўрсатаётгани ҳар
биримизни хушёр тортириши ке-
рак эмасми?

Тошкент ва Қашқадарё вилояти
прокуратураси корхоналарни дав-
лат бастарофидан чиқаришга доир
қонунлар ижросида юзасидан атиги
биттадан самарасиз текшириш
ўтказганлар. Болали оилаларга на-
фақа тўлаш ва муҳтож оилаларга
ижтимоий ёрдам кўрсатишга доир
қонунлар ижросида прокурорлик
назорати етарли даражада йўлга
қўйилмаган.

Аҳолининг иш билан бандлиги ва
иш ҳақидан қарздорлик масаласи-
да ҳам жиддий муаммолар мавжуд.
Айрим вилоятларда солиқ тизи-
мидаги қўнубузарлиқнинг олдини
олиш етарли даражада йўлга қўйил-
маган.

Бозорлардаги тартибсизликлар-
ни бастароф этишда прокурорлар-
нимиз қатъий кўрсатмайтилар.
Умумий назорат йўналишидаги
текширишларда сон кетидан қувиш,
ҳўжаўрсинчиликка барҳам бериш
пайти келди деб ўйлайман.

Маърузачи ўтган ярим йилда
умумий жиноятлар ярим фоизга
камайгани билан ҳали хотиржа-
миликка берилишга асос йўқлигини
алоҳида қайд этди.

Чунки оғир ва ўта оғир жиноят-
лар сонини нисбатан олганда, Қамалиб
чиққанларни ишга жойлаштириш

БИРОҚ ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА
ҲАЛИ ЭРТА

нинг қониксарсиз ташкил этилганли-
ги оқибатида муқаддам судланган-
лар томонидан жиноят содир этиш
кўпайган.

Вояга етмаганлар орасида
ҳўқуқбузарлик ва жиноятларнинг
камайганлиги бу йўналишдаги иш-
ларимизни изчил давом эттириши-
миз кераклигини кўрсатади.

Диний экстремизмга қарши
ҳўқуқий тарғибот ишлари Тошкент
шаҳри, Самарқанд ва Сурхондарё
вилоятларида қониксарсиз ахволда.

Судлар томонидан жиноят иш-
ларининг терговга қайтарилиши
фактлари бу борада ҳам жиддий
тартиб ўрнатиш зарурлигини кўрсат-
тади.

Фуқароларни ноқонуний жавоб-
гарликка тортган ва қамоқда сақла-
ган орган ҳодимлари билан энди
муроса қилолмаймиз.

Жиноят-судлов қонунчилигининг
асосий тамойилларидан келиб чи-
қан ҳолда қатор қонун ва кодекс-
ларга ўзгартиришлар киритилиб,
айрим жиноятлар бўйича жазо сан-
кциялари енгиллаштирилганига
қарамасдан, унча оғир бўлмаган,
иқтисодий ва ҳўжалик соҳасида со-
дир этилган жиноятлар бўйича га-
ров ва қамоқ билан боғлиқ бўлма-
ган эҳтиёт чорасини кенг қўллаш
талаби етарли даражада бажарил-
маган.

Жиноятларни ҳисобдан яширган
орган ҳодимлари жисбатан қатъ-
ийтироқ бўлайлик.

Судларда жиноий, фуқаролик ва
ҳўжалик ишлари кўрилишида про-
курор ваколати тасвирчанлигини
таъминлашда ҳам камчиликлар мав-
жуд.

Қонунчиликини такомиллаштириш
ва ҳўқуқий тарғибот соҳасидаги бир

мунча ижобий силжишларни бун-
дан кейин ҳам мустаҳкамлаб бо-
райлик. Яхши самарадорликка эри-
шаман деган прокурор матбуот ва
журналистлар билан мустаҳкам ҳам-
корликда ишлайди. «Конун ҳимоя-
сида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси
тахририяти прокурор назоратининг
йўналишлари кенглигини эътибор-
га олиб, барча соҳаларни қамраб
олиши ҳамда ҳўқуқий тарғиботнинг
тасвирчанлигини ошириш юзаси-
дан ижодкорлик билан ишлаши ке-
рак.

Ишимизнинг унумдорлиги ва са-
мараси, прокуратура идораларининг
халқ ўртасидаги обрўйи, аввалам-
бор, кадрларимизнинг билим дара-
жасига, уларнинг маънавий ва аҳ-
лоқий поклигига бевосита боғлиқ.
Лекин, афсуски, орамизда ўз усти-
да ишламайдиган, ноҳўя хатти-
ҳаракатлари билан тизимимиз об-
рўсини тўкаётган ҳодимлар бор.
Ҳодимларнинг касб малакасини
ошириш масаласига жойларда ало-
ҳида эътибор берилиши даркор.

Танқидий мулоқазалардан тегиш-
ли хулоса чиқариб, барчамиз яқ-
диллик билан ҳўқуқий демократик
жамият барпо этиш ишига муносиб
ҳисса қўшайлик, деди маърузаси-
нинг пировардида Азимжон Эрга-
шев.

Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори Ҳакимбой Ҳалимов, Тош-
кент шаҳар прокурори Мэлс На-
имов, Самарқанд вилоят прокурори
Алишер Ҳусайнов, Андижон вилоят
прокурори Умматали Шамсиев,
Жиззах вилоят прокурори Матна-
зар Отабоев, Сурхондарё вилоят
прокурори Бахтиёр Нурмухамедов,
Фарғона вилоят прокурори Юсуп
Абдукаримов, Республика прокура-

турасининг бошқарма бошлиғи Аб-
дуғаффор Солиҳов маърузада қайд
этилган танқидий хулосалар юзаси-
дан тушунтириш бердилар.

— Ярим йилликдаги ишларимиз-
нинг чўқур таҳлили бизнинг тўғри
йўлдан бораётганимизни кўрсата-
ди, — деди ҳайъат мажлисига яқун
ясар экан Республика Бош проку-
рори, 2 - даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси Рашид Қодиров. — Бир-
роқ ютуқларимизни ҳалол, фидойи
меҳнатимиз билан мустаҳкамлаш
имкониятидан етарли даражада
фойдаланмаётганлигимиз ҳам маъ-
лум бўлиб қолди.

Тадбиркорларнинг қонуний
ҳўқуқларини ҳимоя қилишни кампа-
ниябозликка айлантирмасдан, бу
соҳада изчил ва қатъийли бўлай-
лик. Обрў топанам, унинг ўсаман
деган прокурор оддий одамларнинг,
меҳнат қилишларининг қонуний ҳа-
қуқуқларини порақўрлардан, бюрок-
рат ва таъмагир масъуллардан
ҳимоя қилсин; фуқаролар учун на-
фақат идорангизнинг эшигини, бал-
ки қалбингизни ҳам кенг очиб қўйинг.
Токи улар тортинмай, ҳеч бир тўсиқ-
сиз, ишонч билан ҳўзурингизга ки-
риб келади деган бўлсинлар. Ҳалқдан
узрилиб қолманг, доимий мулоқотда
бўлиб туринг.

Ҳодимларнинг сизнинг тавсиянгиз
билан биз тайинлаймиз. Бироқ улар-
нинг қандай ишлаганига ва юриш-
туришига сиз жавоб берасиз. Та-
ниш-билишчиликка қараб эмас,
қобилиятига қараб сафларимизни
билимли, тиришқок, маъна юксак
кадрлар билан мустаҳкамлаб бо-
райлик. Президентимиз Вазирлар
Маҳкамаси йиғилишидаги маъру-
засида қайд этганларидек, Ватани,
халқига садоқатли, доимо олға ин-
тилиб яшайдиган муносиб кадрлар
тайёрлаш биз учун ўта долзарб му-
аммо эканлигини доим ёдда тутай-
лик.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама
этилган масала юзасидан тегишли
қарор қабул қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИНИ ЎҚИБ

(Бошлангичи 1-бетда)

улар ишига ноқонуний аралашувар анча камайгани
ўқитиб ўтилди. Лекин ҳали кўп жойларда Текширув-
лар китобини жорий этиш пайсалга солинаётгани ва
бунинг оқибатида назорат идораларининг ҳўжалик юри-
тувчи субъектлар ишига ноқонуний аралашувар давом
этаётгани ҳақли равишда танқид қилинди. Биз — про-
куратура органлари вакиллари ҳўжалик юришти бора-
сидида маъна шундай қўнубузарликларга йўл қўйма-
лигимиз, бу корхоналарнинг қонун асосида эркин фа-
олият олиб боришини таъминлаб беришимиз зарур.

ларнинг ҳам илдирига етишимиз керак.

Президентимиз маърузасида яна бир муҳим маса-
ла — бу йил қуриб битказилиши лозим бўлган лицей ва
коллежларни янги ўқув йили бошлангичи биттириб,
жиҳозлаб фойдаланишга топшириш ўқитиб ўтилди.
Бу борада маблағларнинг талон-тароғ этилиши, турли
баҳоналар билан ишнинг пайсалга солинишига йўл
қўйиб бўлмайди. Чунки гап мамлакат тараққиёти учун
жузда муҳим бўлган ёш кадрлар масаласи ҳақида кет-
моқда. Лекин афсуски, бунинг ҳамма ҳам тўғри тушуна-
лантириш. Баъзи жойларда бўлар-бўлмас баҳоналар билан

АНЖУМАН

ИНКАССАЦИЯ
ТИЗИМИ: КЕЧА,
БУГУН, ЭРТАГА

(Бошлангичи 1-бетда)

риш ҳолатлари ҳам учрайпти.

Оқибат нимага олиб келади: давлатга
мажбурий тўловлар, солиқ тўламли қола-
ди, корхонанинг ўз пўл обороти издан
чиқади, ҳодимлар маорисиз қолади. Бу-
нинг эса, албатта жавобгарлиги бор. Шар-
тномавий муносабатларда қонунга қатъ-
ий риоя қилиш керак. Бу нарсаси корхона
ҳўқуқшунос ҳодимларига катта масъулият
қўлайди. Улар корхона раҳбарлари, хо-
димлари ҳўқуқий онги ошиши учун доим
ҳаракат қилишлари керак. Корхона - таш-
килотлардаги ҳўқуқшунос ҳодимларнинг
энг биринчи вазифаси эса корхона шарт-
номаларини астойдил назорат қилиб бо-
риш. Бир сўз билан айтганда шартнома-
лар сифати, уларнинг қонуний амалга
ошишини таъминлаш ҳўқуқшуносларга ҳам
боғлиқ. Бунинг корхона раҳбарлари ҳам ҳис
қилишлари керак.

Йиғилишда, шўнингдек Адлия вазир-
лиги ҳўжалик шартномаларини тартибга
солиш бўлими бошлиғи Абдуқодир На-
арузов, Марказий банк юридик бошқар-
маси бошлиғи Шўхрат Ҳайдаровлар маъ-
руза қилдилар. Улар ҳам ўз маърузалари-
да шартномавий муносабатларда қонун
устуворлиги зарурлиги ва бунда ҳўқуқшунос
ҳодимларнинг тутган ўрнига алоҳида
тўхталиб ўтилди.

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Хуқуқ» муҳбириБотир ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчисиТАРАҚҚИЁТНИНГ
БОШ ТАМОЙИЛИ

Президентимиз кўйиниб тилга олган яна бир муам-
мо қишлоқ ҳўжалигида ички ҳўжалик шартномаларини
тузиш ва уларни ижро этиш қўнун талабларига жавоб
бермаслигидир. Ҳақиқатан ҳам бу борадаги тартиб-
сизликларга барҳам берадиган вақт келди. Биринчи-
дан, деҳқон ва фермерлар билан ҳўжаликлар ёки ула-
га хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома
тузилганда деҳқон ёки фермернинг манфаатлари ҳамма
вақт ҳам эътиборга олинавермайди. Шартнома бажари-
лса нима бўлади-ю, бажарилмай қолса нима бўлади
деган масалаларга тўлиқ жавоб тополмайсиз. Баъзан
фермер бечора шартномадаги режани бажарса ҳам
меҳнати эвазига ҳеч нарсаси ололмайди. Биз - қонунчи-
ликнинг амал қилишини назорат этадиган прокуратура
ҳодимлари энди бу масалалар билан жиддийроқ шу-
ғулланишимиз зарур. Президентимиз биздан шунини
талаб этмоқда. Ёки дейлик, деҳқон ва фермерларимиз
шартномаларда қўзда тутилган ўғит ва уруғчи вақтида
олаптими? Улар баъзан деҳқон ёки фермерга эмас,
бошқа ёқларга кетиб қолмаптими? Биз бошқа ҳўқуқ-
тартибот идоралари билан ҳамкорликда бу масала-

қурилишлар орқага қўзилмоқда, мактабларни таъмир-
лаш ишлари кўнгилдагидек эмас. Бу мақсадлар учун
ажратилган маблағлар қаерлардадир йўқ бўлиб кета-
япти. Буларнинг барчаси билан жиддий шуғулланиб,
Президентимиз таъкидлаб ўтган режаларни амалга
оширишга ўз ҳиссамизни қўшиш ҳам касб бурчимиз-
дир.

Маълумки, ёшларни соғлом ва баркамол қилиб
вояга етказиш, уларнинг ўқиши ва фаолияти учун барча
шароитларни яратиб бериш ҳўкуматимиз сийсатида
жузда катта аҳамият касб этади. Тан олишимиз керак,
жойларда ёшларга менсимай қараш қоллари ҳали ҳам
учраб туради. Қўлида дипломи бор одамни ишга олиш
учун таъмагирлик қилиш, пора сўраш каби иллатлар-
нинг пайини қирқиб, ёш мутахассислар йўлига тўсиқ
бўлаётган бюрократик ғовларни аниқлаб, уларни баста-
роф этиш чораларини қўриш Президентимиз маъру-
засидан келиб чиқадиган муҳим вазифалардан бири-
дир.



«АШУРОВА ОЧМАГАН СИРЛАР»

(«Хукук», 2000 йил, 24 май)

ТАХРИРИЯТДАН:

Газетамизда шу ном остида журналист текшируви чоп этилганди. Мақолада Каттакўрғон шаҳар «Мукаррама» маиший хизмат жамоа корхонасининг директори Мукаррама Ашурова томонидан фотосуратчи Н. Боговик Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди билан қонун талабларига зид равишда ишдан бўшатирилганлиги ёритилган. Тилга олинган ҳолатларни текшириб, текширув натижалари тўғрисида маълум қилишни сўраб Самарқанд вилоятининг тегишли органларига хат йўллагандик.

Мақола газетда чоп этилганидан қарийиб 2 ойдан сўнг, «Раддия» беришни сўраб М. Ашуровадан ариза олдик. М. Ашурова аризасига асос тарзида Н. Боговикнинг даъво талабларини рад этиш тўғрисидаги Каттакўрғон шаҳар судининг ҳал қилув қарори ва Самарқанд вилоят суди судлов ҳайъатининг Н. Боговикнинг кассация шикоят хати ҳамда Каттакўрғон шаҳар прокурорининг кассация протестини рад этиш ва Каттакўрғон шаҳар судининг ҳал қилув қарорини қаноатлантириш тўғрисидаги ажрими келтирилган.

Тахририятда Мукаррама Ашурованинг аризаси ҳамда «Ашурова очмаган сирлар» мақоласи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва мақолага асос бўлган ҳужжатларга мувофиқлиги назорат тартибда ўрганилаётганда Самарқанд вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси А. Ҳусайновнинг мақола юзасидан жавоб хатини олдик.

Куйида мазкур жавобни айрим қисқартиришлар билан эълон қилаёмиз.

куни соат 15-30 да жамоа корхона-си касабга уюшмаси йиғилиши ўтказиш ҳам судлик билан ташкил этилиб, Н.Боговикнинг унинг иштирокисиз ишдан бўшатишга розилик берилганлиги суд томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундан ташқари, иш материалларининг 73, 79-варақларида С.Одиловнинг аризаси ва тушунтиришлари, Н.Боговик ва С.Одиловнинг судда берган кўрсатмаларида маъмурият буюртма қабул қилиш учун патталар билан ўз вақтида таъминланмаганлиги, патталар улар ўзларининг нақд пулига сотиб олишлари ҳақида баёнотлари мавжуд бўлса-да, суд маъмурият томонидан Н.Боговикка 2000 йил январь-февраль ойларида қанча миқдорда ва неча сўмлик патталар берилганлиги, уларнинг қанчаси ишлатилганлигини текшириб кўрмаган, бу ҳақида маълумот олмаган, ишга қўшмаган. «Мукаррама» жамоа корхонаси назорат гуруҳи томонидан Н.Боговикнинг фаолияти текширилган бўлса-да, бу гуруҳнинг асослан-тирилган хулосасини олмаган ҳамда мазкур ҳолатни муҳокама қилмасдан, тақдим этилган юзаси тузилган актлар билан чегараланиб қолган.

Суд ишни кўришда «Мукаррама» жамоа корхонаси бошлиғи томонидан Н.Боговикни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни чиқаришга асос бўлган, маъмурият томонидан қал-

бакилаштирилган деб топилган патталарни олмаган, уларнинг қалбакилигини аниқлаш учун экспертиза тайинланмаган ва унинг хулосасини олмаган.

Суд томонидан ишни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сонли Қарори талабларига риоя қилинмаган. Қонун нормасининг 34-моддаси 2-қисмининг 1-бандида суд Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 4-бандига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлиги ҳақидаги низолар кўрилишида «корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари» қонунда белгиланган тартибда (МКнинг 174-моддаси) тасдиқланган-тасдиқланмаганлигини текшириш, бу қоидаларни қонунда белгиланган тасдиқлаш тартиби бузилган бўлса, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра ҳодим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Бироқ суд фуқаролик ишининг 125-бетида тикилган, санаси кўрсатилмаган «Мукаррама» маиший хизмат корхонасининг «Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари»ни текширмаган, ушбу қоидаларни қабул қил-

ган йиғилиш қарорини олмаган ва ишга қўшмаган.

Даъвогар Н.Боговик судга тақдим этган даъво аризасида ҳамда фуқаролик ишидаги аризалари ва кўрсатмаларида 2000 йил учун жамоа маъмурияти билан контракт тузганлигини қайд қилса-да, суд томонлар ўртасида шундай шартнома бор-йўқлигини текширмаган, бор бўлса унинг асл нусхасини олмаган ва ишга қўшмаган. Ишнинг 71, 126-варақларидаги 1999 йил 1 январь куни «Мукаррама» жамоа корхонаси томонидан М.Ашурова ва ишчи Н.Боговиклар ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 2000 йил 1 январь кунига қадар белгилаб қўйилган, аммо шартнома муддатининг узайтирилганлиги ҳақида томонларнинг келишуви мавжуд эмас. Ушбу ҳолат юзасидан даъвогар, жавобгар вакили, жамоа корхонаси кадрлар бўлими бошлиғи сўроқ қилинмаган. Иш бўйича тафавутларни бартараф қилиш юзасидан томонлар юзлаштирилмаган.

Шунингдек, фуқаролик иш материалларидан кўринишича, даъвогар Н.Боговик фотосуратчи С.Одилов билан бирга ишлашгани, С.Одилов рангли суратлар олиш билан, даъвогар эса оқ-қора фотосуратлар олиш ва уларни ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги, 2000 йил 14 февралдаги текшириш

пайтида Н.Боговик С.Одиловга ёрдам берганилиги, унинг ҳисобиди бўлган буюртмаларни дафтарга ёзиб тўлдирганлиги кўринади, бироқ суд ушбу ҳолатларни оидинлаштириш чораларини кўрмаган. Н.Боговик ва С.Одиловларни ушбу ҳолат бўйича сўроқ қилмаган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишининг 87-варағида буюртмачи К.Усмонов Каттакўрғон шаҳар, А.Навоий кўчасидаги фотосалонга 100 га яқин суратни ишлаш учун фототасмаларни берганлигини, лекин шу кунгача қайтариб олмаганлигини баён қилган. Бироқ Н.Боговикнинг фаолиятини текшириш актида кўрсатилган 10 дона фотопленкалар бўйича К.Усмонов сўроқ қилинмаган.

Суд ушбу фуқаролик ишини кўришда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 11-моддаси талабларини қўпол равишда бузган. Қонун талабига кўра, ҳар бир иш бўйича суд мажлиси узлуксиз давом этиши, суд бошланган ишни кўришни тамомламасдан ёки кейинга қолдирмасдан туриб, бошқа ишларни кўришга ҳақли эмаслиги қайд қилинган. Бироқ Н.Боговикнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик ишнинг кўриш 2000 йил 22 апрелдан (2000 йил 22, 24, 26, 29 апрел ва 3 май кунлари) 2000 йил 3 майга қадар давом этиб, шу вақт давомида суд томонидан, яъни 2000 йил 27 апрелда даъвогар Т.Раҳимованинг жавобгар Х.Баҳодировга нисбатан нафақа ундириш ҳақидаги ишнинг, 2000 йил 24 апрелда даъвогар В.Каравоновнинг жавобгар А.Каравонова нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик ишнинг ва яна шу кунги даъвогар В.Уринованинг жавобгар Э.Ҳўжақулловга нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик ишнинг кўриб, процессуал қонун талабларини бузган.

Вилоят суди судлов ҳайъати шаҳар суди томонидан ушбу фуқаролик ишнинг кўришда йўл қўйилган ҳолатларга, процессуал ва моддий қонун нормалари бузилганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Баён қилинган ҳолатларга мувофиқ, вилоят прокуратураси суд қарорларини асоссиз ва ноқонуний деб ҳисоблаб, мазкур фуқаролик ишнинг бекор қилиб, уни янги тартибда кўриб чиқишга юбориш тўғрисида суд раёсатига протест келтирди.

Алишер ХУСАИНОВ,
Самарқанд вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

«ШАРИПОВНИНГ АЙБИ НИМА?»

(«Хукук», 2000 йил, 5-11 апрель)

«Хукук» рўзномасининг 5-11 апрелдаги 14 - (130) сонидида чоп этилган «Шариповнинг айби нима?» мақоласи Олий судда қўриб чиқилди.

Жиззах вилоят судининг 1996 йил 6 майдаги ҳукми билан Шарипов Жўрақул Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Жиззах вилоят бўлига назорат - тафтиш бошқармасида бош назоратчи бўлиб ишлаб келиб, Жиззах вилоят прокурорининг 25.03.1993 йилдаги хатига асосан, Жиззах шаҳар «Олтин куз» кичик корхонасининг 1992 йил мартдан 1993 йил 1 апрелгача бўлган давридаги молиявий ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш топширилган бўлиб, тафтиш ўтказиш жараёнида ўзининг хизмат мансабини суистеъмол қилиб «Олтин куз» кичик корхонасининг мансабдор шахслари ака-ука Бахтиёр ва Наби-

жон Қодировларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг йўл қўйган кўп миқдорда ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганидан келиб чиққан камомадларини қасддан яшириш ва шу йўл билан ака-ука Қодировларнинг жиноий жавобгарлиққа тортмаслиқ борасида ҳаракат қилиб, 1.895.481 сўм 7 тийинлик 19.900 кг миқдордаги поли-этилен грануларини олиб, кичик корхона ҳисобига қирим қилиб, уларни нақд пулга сотиб, пулни ўзлаштириб юборганлиги ҳолатини корхоналараро тақсимлаш йўли билан қўқор текшириб аниқламасдан, ака-укалар тақдим қилган 25.01.1993 йилдаги 4-сонли ишонч қўғозини, полиэтилен грануларини Самарқанд «Сухроб» кичик корхо-

насига қўқим қилинган деган маънодаги қалбаки маълумотномалар қиритилган сохта ҳужжатларни асоссиз равишда инобатга олиб, ўзлаштирилган ҳолатини қасддан яширганлиқда;

«Олтин куз» кичик корхонасининг раҳбарлари корхона қиримида бўлган умумий нархи 892000 сўмлик 24 тонна металл труба ва 288000 сўмлик 20 дона автомобил аккумуляторларини нақд пулга сотиб, пуллари ўзлаштирилган ҳолатларини корхоналараро таққослаб ўтказилмасдан, Қодировлар тақдим қилган ва аслида талон-тарож қилинган труба ва аккумуляторларни 01.02.1993 йил 4-сонли ишонч қўғозига асосида «Ором» кичик корхонасига қўқим қилинган

деган қалбаки ҳужжатларни асоссиз инобатга олиб ўзлаштирилган ҳолатини қасддан яширганлиқда;

«Олтин куз» кичик корхонасининг раҳбарлари 1992 йилнинг 5 июлидан 1992 йил 21 декабрга қадарли «Жиззахшартномасавдо» ҳиссасдорлик жамиятидан ҳам 90920 кг миқдордаги 4.840701 сўм 20 тийин оқ тунукларни корхонага қирим қилгандан сўнг 25995 кг миқдордаги умумий миқдори 1.383.973 сўм 80 тийинлик оқ тунукларни терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб, тушуш пуллари кичик корхонага қирим қилмай ўзлаштирилган ҳолатларини текширмай, шу тушушларни кичик корхонага килограммларда қирим қилинганлиги қарамасдан, корхонанинг ҳисоботларида дона ҳисобидида кўрсатилганлигини асоссиз равишда инобатга олган ҳолда ўзи ҳам бу туну-

қалар қолдиги миқдорини килограмм эмас, дона ўлчов бирлигида қайд қилиб, ўзганинг мулкни талон-тарож қилганлиги ҳолатини қасддан яширганлиқда;

Бундан ташқари, Ж.Шарипов юқорида кўрсатилган жуда кўп миқдордаги мулкларни ака-ука Қодировлар томонидан тақдим қилинган сохта ишонч қўғозини ва нақд-ноиларни асоссиз равишда олиб ўзининг 15.05.1993 йилдаги далолатномасида қайд этмасдан ва бу ҳаракати эъвазига «Олтин куз» кичик корхонаси омборида шахсан Қодиров Бахтиёрга тегишли бўлган кўп миқдордаги 3000 дона афродидидаги ДВТ қурилиш материаллари ва 165 дона гилам, поёндозлар тегишли тартибда расмийлаштирилмасдан сақланганлиги ҳолатини аниқлаган. Қодировлар йўл қўйган талон-тарож ва бошқа қўқимдорликлар жиноий жавобгарлик билан ҳамда баён қилинган махсусотларни давлат фойдасига ўтказиб юбориши билан қўқимчи таъмайлари йўли билан товланмачилик қилиб, нархи 3.300.000 сўмлик 150 донга гилам поёндоз ва нархи 800 минг сўмлик (Давом 6 - бетда)



САҲИФАЛАРИМИЗДА: ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

«МАРҒИЛОН МЕХНАТ БОЗОРИДА ШАҲАР ПРОКУРОРИНИ КЎРГАНДИМ»

1996 йилда Фарғона шаҳридаги 19-ўрта мактабни битириб, 28-ҳунар - техника билим юртига ўқишга кирдим. 1998 йили билим юртини битирдим, иш томолабдим. Иш эълан-риб боғчаларга бордим, «иш йўқ» деб айтишганда неча марта лаб кўйилган чўқди. Дадла заводда ишлайдиган, лекин вақтида ойлик олмайдиган. Аям «Палтасанотсотиш» бирлашмасида фаррош. Иккинчи олам турмушга чиққан. Ўзларидан ортайдиган. Бир йил укам мактабни битирган, у ҳам ишсиз. Кенжа синглим мактабда ўқийди.

«Адолат йўли» газетасида, телевидорда вилоят прокуратураси ишчиларини ишга жойлаштиришга бош қош бўлаётганини кўрган, ўқиган эдим. Марғилондаги меҳнат бозорида шаҳар прокурори ҳам қатнашиб гапирганди. Кўп йиллар Фарғона шаҳ-

рида ҳам Меҳнат бозорини ташкил қилишди. Уни тасодифан, одамлардан эшитиб қолдим. Шаҳар марказида, истироҳат боғи ёнида, Марказий университет рўнарсига бўлаётган ярмаркага келиб, роса айландим. Танлаб-танлаб, ўзимга Фарғона консерва заводини маъқул кўрдим.

Касодага учраган ўшбу завод кўнча корхонага айланган, қайта таъмирланган. Мана ўн беш кундирки, янги келтириб ўрнатилган дастгоҳларда иш ўргатилган. Ота-онам, укаларим ҳам хурсанд. Мен каби бўш юракларга қайғураётган прокуратура ходимларига раҳмат. Аини чоғда Фарғона шаҳар меҳнат ва бандлик бўлигидан ҳам қатнашардим.

Зиёдаҳон КҮЧҚОРОВА,
Фарғона шаҳри

«ХУКУҚИМНИ ТИКЛАБ БЕРИШДИ»

Асли Охунбобоев тумани Деҳқонobod қишлоғиданман. Одамларга бирон нафим тегар, қолаверса, яхшироқ ишлаб, яхшироқ яшарман, деган ўйида «Дебона» деган кичик корхона очган эдим. Ўйлаб қарасам, ҳозир ҳамма нарсам, ҳатто туپроққа қоришиб, занг босиб ётган бир нарма темир ҳам муайян қадр-қиммат топган. Одамлар эски увдаларини ҳам аввалидаги ахлатга ташлаб ёки ёндириб қўл қилишмаяпти. Эски-туски кўйна-тўшакларининг пахтасини титириб, янги кўйна-тўшакка солиш доридида юрган одамларни кўп кўрдим. Шуларни кўриб қишлоғимизда пахта титириш цехи қўрсам-чи, деган фикр туғилди.

Бу ишини иккишодни сажарасини асослаб, тумандаги мутасадди идоралардан оқ йўлга олдим. Цех учун ер ажратиш беришни сўраб, туман ҳокимига ариза эдим. Аризам қаноатлантирилди. 1999 йил 16 сентябрь кўни туман ҳокимлигининг Алишер Навоий жамоа хўжалигидан пахта титириш цехи қўриш учун «Дебона» кичик корхонасига 0,20 гектар ер ажратиш бериш тўғрисида қарор чиқди. Бироқ бу ерни одамлар деб она суним оғизига келди. Ҳокимлик билан жамоа хўжалиги идораси ўртасида бўйичининг моқисидий қатнашибди, сўзлаб қўриди. «Бор-э» деб шу ишдан воз кечмоқчи бўлиб турганида, ҳамқишлоқларимдан бири туманда вилоят прокурори сайёр қабул ўтказгани, ишсиз, ноҳор, мушукларини, тадбиркорларни қўллаб қувватлаш тўғрисида гапирганини сўзлаб берди. Одамлар туман раҳбарлари билан юзма-юз гаплашибди. «Эҳ, мен ҳам қатнашмабман» деб афсус чекдим. Кўп йиллар туман прокурори Муҳаммаднинг Тешабоев ҳар ойини топишди. Мана ерли бўлиб, пахта титириш цехини ишга тушириш арафасидаман. Менга ўхшаган тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини рўйбега чиқараётган прокуратура идоралари ходимларининг отасига раҳмат!

Мўйдинжон ЭРҒАШЕВ,
Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани




Киргули туман прокурори Юрий Ким ва прокурор ердамчи Уктамон Абдураҳмонов туман тадбиркорларига ҳуқуқий ёрдам бериш масаласи тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.

**Мамлакатимиз мустақиллигини
мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини
таъминлаш йўлида Фарғона
вилоят прокуратура идоралари
ибратга лойиқ қатор тадбирларни
амалга оширмоқда. Қуйида
улардан айримлари ҳақида хикоя
қилинади.**

МУЛОҲАЗА

Фарғона вилоят прокуратураси идоралари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунларга риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг 1996-2000 йилга мўлжалланган Дастурлари ҳамда ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан қўшма Дастур асосида жиноятчиликка қарши кураш кўчатириляпти. Айниқса, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият берилляпти. Вилоят прокурорининг топиригига асосан шаҳар ва туман прокурорлари ҳар ойда ўз ҳудудларида содир этилган ҳар бир жиноятни ҳар томонлама таҳлил қилиб, улар тақдорланмаслиги учун аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқаришар. Ҳар бир жиноятни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш учун тегишли давлат идоралари ҳамда ўз-ўзини бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларига тақдимома-лар киритилиб, бу тақдимома кенг жамоатчилик доирасида, айнан айланувчининг иштирокида муҳокама қилинмоқда. Ўшбу муҳокамада ҳудуд прокурори, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари иштирок этиши таъминланмоқда.

Таҳлиллар жиноятлар муқаддам судла-ниб жазони ўтаб келганлар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, ишсиз юрганлар томонидан кўпроқ содир этилаётганини кўрсат-ляпти. Шунинг учун жазони ўтаб келганларни квоталанган иш жойи билан таъминлаш, ишсизларни доимий иш билан, бунинг имконии бўлмаган тақ-



Рустам КАРИМОВ,
Вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари,
адлия катта
маслаҳатчиси

ҳовга айланиб, уларнинг нафратига чидаб яшашнинг, лўнда қилиб айта-ганда жамоатчилик иззасининг азоби-ундан ортик бўлса орткики, кам эмас. Худди Тошлоқдаги каби, Ку-васой шаҳри, Риштон, Сўх, Кува,

ХАЛҚ НАФРАТИ

**ЭЛ ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ИЗЗА
ҚИЛИШ — ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ
ОЛУВЧИ БЕКИЭС ОМИЛ**

Бешарик туманларида шу йил апрел-май ойларида тергов низоли бўлмадан, жиноят содир этилган ҳолат тасдиқланган. Кўпроқ шахсий мулки ўғирланган ҳолларда айбланувчи жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, изза қилинди.

Бу каби тергов жараёнида жиноятчиларни жамоа аҳли ўртасида муҳокама қилиш жиноятларнинг олдини олишда катта рол ўйнайди. Шу билан бирга гумонланган қўлга олинган, айб эълон қилинган шахсларнинг қариндошлари таркатиётган гўё бечора ноҳақ қамалгани, қилмаган ишлари учун жавобгар бўлаётгани каби ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан ишонсизлиқни келтириб чиқарувчи миш-мишларнинг пайини қирқаяпти. Айбланувчиларнинг тергов тугагунча тақдимома жўнатилиб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилиниши, одамларда ҳаётларини нисбатан аниқ-ниш, айбдорларга нисбатан эса нафрат ҳиссини ўйғотади.

Жиноятга қарши жамоатчиликнинг мурасасиз фикрини, халқ нафратини ўйғотиш билан бирга уни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиб бориш жиноятчиликни жилавланишнинг муҳим шартларидандир. Таҳлиллар жи-ноятларнинг 30 фоизга яқини ҳеч қандай ишламай юрганлар томонидан содир этилаётганини кўрсат-

моқда. Ана шуни эътиборга олиб вилоят прокуратураси раҳбарияти ишонсизлиқни қаматириш чора-тадбирларини излашга киришди. Бунинг учун аввало ишонсизлиқнинг расмий эмас, ҳақиқий ҳолати аниқла-ниб, ўшбу соҳа учун масъул давлат идоралари, жумладан, Меҳнат ва бандлик бўлимининг фаолияти жонлантириляпти.

Муқаддам судланиб, жазони ўтаб келганлар томонидан содир этилган жиноятлар ошгани бизни ташвишга солди. Бу жазони ўтаб келган шахслар устидан ИИБнинг тегишли бўлимининг назоратини сусайтириб юборганидан далолат беради. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ана шундай шахслар учун квоталанган (имтиёзли) иш ўринлари ҳавола этилаётганлиги аниқланди. Жумладан, жазо муддатини ўтаб қайтганлардан бир неча киши ўтган йили энг кам ишчи ўринлари учун ажратилган жойларга ишга жойлаштирилиши керак эди. Ҳолбуки, фақат уларнинг бир қанчасига иш топилиди. Меҳнат ва бандлик бўли-мининг йўл-ланмаси билан корхонага келган собиқ маҳкум кадрлар бўли-мида «қамалиб чиққанларни ишга олмаймиз» деган жавобни эшитиб, нима қилади? Тагин ўғрилиқ, тагин босқинчилик йўлига қирмайдими? Йўқ, биз жиноятчини оқламоқчи эмасмиз. Сабабларидан қатъий на-зар, у содир этган жиноятни учун жавобгарликка тортилмоғи шарт. Жиноятни келтириб чиқараётган са-бабларни бартараф этиш эса дав-лат идораларининг, жамоатчилик-нинг вазифаси. Қонун бўйича ҳам корхона ва ташкилотларнинг раҳ-

барлари «қамалиб чиққанларга» иш бермасликка ҳақлари йўқ. Жумла-дан, «Фарғонасуд» ҳиссасдорлик жа-мияти раҳбари М.Ҳожимуродов меҳ-нат бўлимининг йўлланмаси билан юборилган, жазо муддатини ўтаб қайтган З.Шайхудиновни ишга қамал қилишдан бош торгани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бан-длик бўйича қонунлар ижро этила-маётгани, бу борадаги қонунбузи-лишлар мавжуд ижтимоий тузумга норозилик қайфиятини ўйғотиш учун кулай дастаклигини ўнматаслигимиз қозим. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний экстремистик ҳаракатларнинг «раҳ-намолари» айнан ишсизлар, айниқ-са ҳали ҳаётнинг паст-баландини англаб етмаган, шахсий нукта на-зари шаклланиб улгурмаган ёшлар орасидан ўзларига «тарafdорлар-ни излашаётгани» сир эмас. Ёшлари-мизни манфур қилмасалар бериб қўймайлик учун уларни бирон-бир фойдали машғулот билан банд эт-моғимиз зарур. Қотил, ўғри, бошқа жиноятчилар «Ҳизбут-таҳрир»нинг ашаддй тарafdорлари, ўз юртига, ўз халқига хиёнат йўлига кирган, чет эллардаги «ташкilotчи»ларнинг аризмас садақалари эвазига ҳатто ота-онасини ҳам сотишдан тоймай-диган жиноятчилар энг олий жазо — халқ нафратидан қўчиб қутула олиш-майд.

ОҚЛОВ

АЙБСИЗ ДЕБ ТОПИЛДИ

Баъзи судьялар жиноят ишларини юзаси кўриб, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса-да, айблов-ҳукмларини чиқаришяпти. Бундай ҳолатлар учраб туриши ачинарлидир. Мисол учун Ҳамдамжон Ҳомоновга нисбатан, Фаргона шаҳар судининг 2000 йил 18 январ кунидаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 1-қисмига мувофиқ 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган, ойллик маошидан 25 фоизи давлат фойдасига ундириб борилиши белгиланиб, жазони маъмур жазо ижросини назорат қилувчи идоралар белгилаб қўйган жойларда ўташи кўрсатилган.

Ушбу ҳукмга Фаргона шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан Фаргона шаҳар «Ўзсалам» қўшма корхонасига қарашли 3-сонли дўкonda ўтказилган текшириш ҳужжатлари асос қилиб олинган. Маълум бўлишича, 1997 йил 14 июль куни солиқ инспекцияси ходимлари

ушбу дўкonda сотувчи Ҳамдамжон Ҳомонов пойфазаларга нарх ёрликларини қўймасдан сотаётгани учун маъмурий жавобгарликка тортишган. У 3960 сўм жарима тўлаган. 1999 йил 12 ноябрь куни шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари 3-сонли дўкonda қайта текшириш ўтказишганида Ҳ.Ҳомонов пойфазаларга нарх ёрликларини имзоламай сотаётгани аниқланган.

Қўйидаги асосларга кўра суднинг ҳукми бекор қилиниб, Ҳ.Ҳомонов Фаргона вилоят суди раёсати томонидан реабилитация қилинди, яъни оқланди.

Жиноят Кодексининг 36-моддаси талабларига кўра гарчи, қонунда назарда тутилган қилмиш аломатлари мавжуд бўлса-да, аҳамиятсизлиги тўғрисида ижтимоий ҳафли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилибди. Иш тафсилотига кўра, назорат-ҳарид давомидида сотувдан тушган нақд пуллар касса-машинасига кириб

қилиниб, ҳаридор ҳақидан кўп ёки кам олиш ҳолати аниқланмаган. Савдо пулларининг тушуми назорат-касса машинасининг ҳисоби билан тўғри чиқиб, марказий ғазнага ўз вақтида топшириб турилган. Фақат дўкondaги савдо ёрликлари имзоланмагани ва уларда пойфазаларнинг модели кўрсатилмагани каби савдо қондаларининг бузилиш ҳолати аниқланган.

Гарчи, Ҳамдамжон Ҳомоновнинг ҳаракатларида ЖКнинг 189-моддасида кўрсатилган жиноят сифатида кўзда тутилган қилмишнинг аломатлари бўлса-да, бирон-бир шахсга зарар етказмагани, молиявий интизомга риоя қилгани, бошқа савдо қондаларини бузмагани учун унинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ деб топилди ва у оқланди. Вилоят судининг раёсати Фаргона шаҳар судининг ҳатосини ўз вақтида тўзатди.

Абдуқундуз АБДУРАХИМОВ,
Фаргона вилояти прокуратураси судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимининг бошлиғи



Вилоят прокуратурасининг прокуратура идораларида терговчи назорат қилиш бўлими прокурори Бурхон Тулчибоев (унгла) ва алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи Рустамжон Солиев жиноят иши юзасидан фикр алмашмоқдалар.

Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Мамадалиева.

Ғанижон МУХАММАДҚОДИРИЙ
суратлари

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ КЎЗГУСИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ЖИНОЯТ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВИ



Тожижон ШЕРКУЛОВА,
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ўтказиб, айбон-қабуллар ҳам жабобсиз ёриляпти. Бунинг самарасини учрашувдан учрашувга қабулга келиб, мурожаат қилаётган фуқаролар сонини ортиб бораётганида ҳам қўриш мумкин. Ташқал туманида вилоят прокурорининг ўринбосари Н.Исқов ўтказган сайёр қабул чоғида фуқаро Йўлдош Ёкубов арз билан келди. Маълум бўлишича, у 1-гурӯх ногирони, 4

нафар фарзанди бор, хотини Х.Ёкубова эрига қарагани учун ишламайди. Қаровга муҳтож одамни парваришлайди. Бироқ бу ҳолат иш стажига қўшилмаган. Ваҳоланки, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга кўра ижтимоий таъминот бўлимидаги ҳақ тўланмайдиган иш ўринлари очиб шу ўринларга ишга тайинланган кишилар учун кескалик нафақасига чиқишга имкон яратишлари даркор. Х.Ёкубованинг эрини парваришлайдиган ана шундай иш ўрни деб эътироф этилди ва нафақага чиқиш ҳуқуқига эга бўлди. Биргина Х.Ёкубова эмас, сайёр қабул куни 1-гурӯх ногирони бўлган, ақин кишиларига қараб келаятган, туман ижтимоий таъминот бўлимининг локалийдаги тўғрисида ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилмасдан бу ҳизматлари меҳнат стажига қўшилмаётган яна 200 фуқаронинг бу борадаги ҳуқуқлари тикланди.

Матбуотда, шунингдек, биз туман ва шаҳарларда мунтазам

сайёр қабулларда фуқароларга ижтимоий ҳимояга оид қонунлар, 8 турдаги зарур махсулотлар билан таъминлашга оид ҳуқуқат қарор, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти атрофида тушунтириб берилиш натижасида уларнинг ҳуқуқий фаолликлари ошмоқда.

Фуқароларда давogarлик ҳиссини шакллантириш ва кучайтиришда ҳуқуқий тарғибот асосий воситалардан. 2000 йилнинг биринчи ярмида жами 2907 та ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари ўтказилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 7,5 фоизга кўпдир. Гап микдор кўрсаткичида эмас, балки ҳуқуқ тарғиботи мазмун-моҳияти кескин ўзгарганида. БевоСИ-та халқнинг дилидаги, тилидаги ҳуқуқ тарғиботи, қонунлар ижросига оид масалалар маҳ-ум пардаларга буркаламай, очикчасига, дангала муҳоама қилина бошланди. 8 турдаги махсулотлар таъминотида узилиш юз беряпти, бунинг сабаби нимада, бунга ким айбдор, ва ният бу узилишга қандай барҳам бериш керак, деган қўндаланг фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, қонуний чоралар қўриляпти. Фуқаролар фаоллига, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга, адолатсизликка муро-сиз бўлишга, ўзларининг ва ўзгаларининг ҳуқуқ-маңфаатлари оёқости қилинишига йўл қўймас-ликка, истеъмолчига хос давogarликка даъ-ват этилмоқда.

Аҳоли ўртасида жиноятчиларга бефарқ муносабат, хатто уларга ачинаш, айниқса таниш-билишлар ўртасида уларнинг қилмишини хас-пўшлаш ҳолатлари учраб туради. Бундай муҳит жиноятчиликнинг қамийишига ёрдам бермайди. Шунинг учун ҳуқуқ тарғиботининг, жумладан, жамоат иззаси каби тадбирларнинг, матбуот ва телевидение орқали қилмишларнинг мазмун-моҳияти жиноятларга нисбатан муро-сиз бўлиш тўғрисида кучайтиришга йўналтирилмоқда.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилишда фаол қатнашишдан иборат. Ана шу ишнинг қўрилишларидан бири — сайёр қабул-учрашувлар фуқароларда давogarлик ҳиссини кучайтиради. Матбуот конференциялари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқ тарғиботининг кенг йўлга қўйилиши эса фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамма вақт прокуратура идораларининг асосий вазифаларидан бўлиб келган. Бироқ амалда бу иш ахён-ахёнда, турли йўналишларда маърузалар қилиш, аҳоли билан муайян мавзуда учрашувлар ўтказиш, содир этилган айрим жиноятларнинг сабабларини бартараф этишга оид тақдимномалар киритиш билан чекланиб қолаётган, шунинг учун қўрилган самарани бермаётган эди. Вилоят прокуратураси бу вазифага янгича ёндоша бошлади. Барча чоралар билан фуқароларда давogarлик ҳиссини шакллантириш ва кучайтиришни, уларнинг ҳуқуқий фаолликларини оширишни мақсад қилиб қўйди. Ана шу мақсадда, ойда бир марта вилоятнинг биронта шаҳри ёки туман марказида матбуот конференциялари ўтказила бошланди. Фаргона ва Қўқон шаҳрида ўтказилган матбуот конференцияларида умумий ишимиз — ҳуқуқий демократик давлат қўришнинг воситаларидан бири, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини юқорирак поғонага қўтаришда ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан матбуот ва телевидение ходимлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кучайтиришни келишиб ол-

Агар диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб, конституциявий тузумга қарши, ўз юрти, ўз халқига қарши қўпоровуликдан иборат жиноятлар содир этган ақидапарастларнинг ёш таркибини тахлил қилса, ақсарияти йигирма-йигирма беш ёшлардаги «ғўр» йигитлар эканига амин бўламиз. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чўчқини тотиб қўришга улғурмаган, дунёқарашини шаклланмаган ўсмирлар, ёшлар Ислам динининг асл қадриятларини бузиб талқин қилувчи, унга сиёсий либос кий-гизиб, зуравонлик билан ҳокимиятни эгаллашга қачирувчи «Ҳизбут-таҳрир» диний-экстремистик оқимнинг қўрбонларига айланаяптилар.

Қўқонлик ака-ука Қадрамон ва Фарҳод Ҳамидовлар томонидан ташқил этилган уюшган жиноий гурӯх очикдан-очик Фаргона водийсида ижро ва суд ҳокимияти-нинг айрим ваколатларини ўзлаш-тириб, қонунга хилоф диний-сиёсий тузилмалар ташқил этишга ки-ришди. Ҳаёт таҳрибасига, диний шийимга, мустикал фикрга эга бўлмаган ёшларни «зуравонлик ҳуқуқи», «куч ҳуқуқи» мафкураси,

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН МУНОФИҚ

зуравонликлари жазосиз қолиши ҳақида сохта тасаввурлар билан захарлаб, «Адолат», «Тавба», «Ислом лашкарлари» каби диний-экстремистик ташкилотларнинг жанговар бўлимларидида қатнаштириди-лар. Ф.Ҳамидов қонунга хилоф ра-вишда ҳокимиятни эгаллаш мақса-дида қўллаб ёшларни «Ислом лаш-карлари» сафига қўшиб, уларга ўқотар қуроллардан ва портловчи моддалардан фойдаланишни ҳам ўргатди. Ўқотар қуроллар ва порт-ловчи моддалар сотиб олиш билан шуғулланди. Ушбу жиноий тўдага нисбатан ўтган йил октябрь ойи-нинг бошларида жиноят иши кўзга-тилиб, 25 нафар айбдор шахс жино-ий жавобгарликка тортилди.

Марғилон минтақаси бўйича З.Ақбаров «минтақавий раҳбар» бўлиб, қўпоровучилар Марғилон ҳамда Фаргона шаҳри, Олтиариқ, Қува, Фаргона туманларида иш олиб бораганлар. Минтақавий раҳбар З.Ақ-баров қамоққа олиниб, жиноий жа-

ЁХУД «ҲИЗБУТ-ТАҲРИР»НИНГ ҚУРБОНЛАРИ

вобгарликка тортилди. Тергов жа-раёнида Марғилон минтақаси бўйи-ча бир неча халқа аниқланиб, 3000 дан ортиқ «Ҳизбут-таҳрир»нинг ки-тоблари, ойнама ва варақалари олинди.

Биз кечиримлимиз, халқимиз кечиримли, давлатимиз кечирим-ли. «Ҳизбут-таҳрир» даъватларига юқорида айтганимиздай ёшлар қўшилиб қолаётганини инобатга олиб, улар орасида кин қўнгалдан пушаймон бўлганларини бу жиноят-га бошқа қўл урмаслиги тўғрисида-ги тилхатларига ишониб, озодликка чиқаряпти. Чуночки, 1999 йил мо-байнида пушаймонликларини бил-дириб, кечирим сўраб ариза ёзган шахслардан бир қисмига нисбатан жиноят ишлари ҳаракатдан тугатил-

ган эди. Йигирма ёшга кирган Ак-рам Зокиров ҳам кечирим сўраб, тавба қилиб ариза билан мурожаат қилди. Ундан бу жиноятни такрор содир этмаслиги тўғрисида тилхат олиниб, жазодан озод этилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, айб-лашувчи Президент томонидан жо-рий этилган афғини қўллаётган тер-говчи ёки тергов идораси такрор жиноят содир этмаслигига юз фоиз кафилик бера олмайдди. Афтидан, бағрикенглик ва кечиримлиликдан ўзига тегишли хулоса чиқариб ол-маган, тавбасига таянмаган муно-фиқ тагин, энди қасддан ушбу жи-ноятга қўл урди. «Ҳизбут-таҳрир» уюшмасида фаолиятини давом эт-тириб, ёшлар ўртасида «ҳизб» таъ-лимотини тарғиб қилиб, фуқаролар ўртасида ваҳима туғдириш мақса-дида қонун томонидан таъқиқлан-ган, тухмат ва бўҳтондан иборат сиёсий диний адабиётлар, варақа-лар тарқатаётган чоғида ушланди. 2000 йил 13 январ куни Марғилон

шаҳар прокурори томонидан унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиди. Тергов жараёнида А.Зокировдан бир донга чет элда ишлаб чиқарилган «CANON» русумли ксерокс олинди. Марғилон шаҳар судининг ҳукмига мувофиқ А.Зокиров 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Худди шунингдек, тергов жараёнида айб-ланувчилар Х.Мамадулов ва А.Умар-ҳўжаевлардан ҳам чет элда ишлаб чиқарилган икки донга ксерокс ап-паратлари олинди. Юртимиз ўзига мос, ўзига хос тараққиёт йўлини таллаб олди. Мустикалликнинг даст-лабки йилларидаги ғоявий бўшлиқ ўрнини Истиклол мафкураси эгал-ламोқда. Энг муҳими, қонунлар ус-тиворлиги таъминланиб, давлат фу-қароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳаққонлиги қамаллаб берди. Хуллас, асосан сиёсий бекарорлик шароитларида урчиқидиган диний эк-стремизм ва ақидапарастлик биз-нинг юртимизда томил ота олма-ди.

Шокир СУЛТОНОВ,
Фаргона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

«ШАРИПОВНИНГ АЙБИ НИМА?»



**КАРДИОЖАРРОХ
ЖОН БЕРДИ**

Аргентиналик машҳур кардиожаррох Рен Фаваларо ўқ отувчи қуролдан кўрагига етказилган жароҳат натижасида Буэнос-Айресдаги ўз уйда жон берган. Полициянинг таҳминича, Фаваларо ўз жони-га қасд қилган экан.

ҲАЗИЛ УЧУН ҚАМОҚ

Бориспсль шахар судининг қарори билан Александр Демидов деган россиялик фуқаро 10 суткага қамалган. Сабаби, у Киев - София йўналиши бўйича учётган «Боинг-737» самолётига қирётганда, сумкасида портловчи модда борлиги тўғрисида ҳазиллашган. Узоқ давом этган текширувдан сўнг «Боинг»нинг бортида ҳеч қанақа тротил йўқлиги маълум бўлган. Самолёт эса шу сабаб билан уч соатга яқин ушланиб қолган.

МИЛИЦОНЕРЛАР УСТОЗИГА ХУЖУМ

Маҳкакала милиция мактаби бошлиғи Ҳожимуҳаммад Ҳожимуҳаммадов Догистон пойтахтига яқин жойда отиб ўлдирилган. Номаълум шахслар Ҳожимуҳаммадовнинг автомашинасига қарата автоматлардан ўқ узишган. Машина ҳайдовчиси бунга жавобан ўқ узиб, ҳужум қилганлардан икки нафарини отиб ўлдирган, биттаси эса қочишга муваффақ бўлган. Отишма чоғида ҳайдовчининг ўзи ҳам жароҳатланган.

ЎЗ УЙИГА ЕТГАНДА...

Россиянинг Хант-Мантти автоном округи прокурори Юрий Беденнин отиб ўлдирилган. Унинг жасади ўзи яшайдиган уйнинг зинапоя майдончасидан топишган. Худуддаги бир қанча оқори мартабали шахсларнинг жиноий ҳаракатлари билан шугулланаётган прокурор бошига теккан бир қанча ўқ натижасида вафот этган.

ДИРИЖЁРГА ҚАРШИ АЙБНОМА

1994-1997 йилларда Канада, Швейцария ва Францияда ўз жони-га қасд қилиш оммавий тус олиши оқибатида 74 киши ҳаёт билан видолашган эди. Терговда аниқлаштиришча, «Қуёшли ибодатхона орден» сектасининг аъзолари жамоа бўлиб ўз жонига қасд қилишни амалда санаб қўришган. Бу секта раҳбарларидан бири 57 ёшли дирижёр Табашкин бўлган. Хусусан, у сектанинг Авиньонда ўтказилган иккита анжуманида сўзга чиқиб, «қиямат қойим» ҳақида ваъз айтган. Айнан шу ҳолат полициянинг дирижёрга қарши иш қўзғатишига сабаб бўлди.

ҚОНЛИ ТҮЙ

Уммонда бўлиб ўтган қонли туйи 70 жуфт келин-куёв бир умр эсдан чиқармаса керак.

70 нафар келин-куёвнинг никоҳ туйига 5000 дан зиёд меҳмон ташриф буюрди. Аввалига туй хурсанчилик билан давом этаётган эди. Келин ва куёвлар никоҳ мусикалари остида саф тортиб туришарди. Шунда қутилмаган ўқ товуши янгради. Меҳмонлардан бири гуриллаб ерга қулади, шу заҳоти жон берди.

Тўсатдан қилинган ҳужумни даф этиш учун полицияга қурол ишлатишга тўғри келди. Қотил отиб ўлдирилди. Маълум бўлишича, туйга келган ёш йигит рашк оловида ёниб, бошқа йигитга эрга тегаетган севгилисидан ўқ олмақчи бўлган экан. Аммо унинг бевафо ёрини топишнинг илоҳи бўлмади. 70 нафар келиндан бирортаси ҳам «Янги Отан» билан яқиндан танишлигини тан олмади.

(Бошланиши 3-бетда).

200 донa ДВП қурилиш материаллари билан, 23.04.1993 йилда нархи 3.000.111.2 сўмлик бир донa давлат белгиси В 02-57 ДД рақамли М 2141 «Москвич» русумли Н.Қодировнинг қайнотаси А.Бўриева тегишли енгил автомашинасини қийматларини тўламадан, автомашинанинг ўзининг турмуш ўртоғи М.Файзуллаевнинг номига нотариал тасдиқланган ишонч қўғози билан расмийлаштириб, умумий нархи 7.101.112 сўмлик жуда кўп миқдорда пора олганлиқда айбонли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 149-моддасининг 2-қисми (1959 йил таҳририда) билан 4 йил, 210-модда 3-қисмининг «а,б» бандлари билан 10 йилга, ЖКнинг 40-моддасига асосан (1959 йил таҳририда) тайин этилган жазони енгиллиги оғир билан қоллаб ўтатиш учун мол-мулкни мусодара қилиб 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Далилий ашё деб эътироф этилган «Москвич 2141» автомашинаси 4.100.000 сўмлик гилам поёндоз давлат фойдасига мусодара қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1996 йил 24 октябрдаги ақрими билан Ж.Шариповга оид чиқарилган ҳукми ўзгартирилиб, Ж.Шарипов айбондан ЖК 149-моддасининг 2-қисми ва 210-модда 3-қисмининг «в» банди чиқарилиб ҳаракатдан тугатилган, тайинланган жазо қисми ўзгартирилган.

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия ҳақида»-ги Фармони қўлиниб, уни ўтказилган жазо қисми ўзгартирилган.

Гарчанд жиноят ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, мазкур ҳукм юзасидан келтирилган кассация шикоят ва кассация протестини кўриш вақтида судлов ҳайъатида иштирок этганлигини боис, мақоламиз юзасидан назорат тартибиде текшириш ўтказиб таҳриратия ҳақоб йўллаш ваколати сизга берилмаган бўлса-да, уни эълон қилиб, айрим саволларни қайтадан кўндаланг қўйишни лозим топдик.

Узингизга маълум, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати Ж. Шариповнинг қилмишидан ЖКнинг 149-моддаси 2-қисми (эски таҳририда)ни чиқариб ташлаш орқали тафтишчи мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини содир этмаган деб ҳисобланиб, мазкур ҳолат юзасидан оқланган. Демак, энди Ж. Шариповни қорхонани тафтиш қилиш даврида ака-ука Бахтиёр ва Набижон Қодировлар томонидан қорхонага кириш қилинган 19.900 кг. миқдордаги полиэтилен гранулялар, 24 тонна металл труба ва 20 донa аккумулятор ҳамда 25.995 кг. миқдордаги оқ тунукаларни талон-тарож қилинганлигини қасдан яширишда айбланиш, назаримизда, адолатдан эмас.

Бироқ Ж. Шариповнинг айбномасида ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «а», «б» бандларининг нима учун қолдирганлиги ҳамон мавҳумлигича турибди. Хўш, пора берувчи рафтишчи рафтишчи қандай «хизмати» эвазига жона берди?

Тафтишчи қорхона омиборида кириш қилинмасдан сақланиб келаётган гилам-поёндоз ва ДВПни инвентаризация қилиш йўли орқали давлат фойдасига мусодара қилиш билан қўрқитиб, ҳақ беришни талаб қилганлиги ЖКнинг 210-моддаси, яъни пора олиш жинояти эмас, балки товламачилик билан ҳақ беришни талаб қилиш жинояти содир этганлигига асос бўлади. Бу ҳолат ўз-ўзидан Ж. Шариповнинг хатти-ҳаракатини ЖКнинг 214-моддаси билан қайта квалификациялашни тақозо этади.

Аммо Ж. Шарипов гилам-поёндоз ва ДВПни ҳақиқатан ҳам олганлиги нафақат дастлабки терговда, балки суд тергов даврида ҳам фактик далиллар билан тасдиғини топмасдан қолган (жавобда келтирилганидек, гилам-поёндоз далилий ашё сифатида қўлга олинмаган ва улар давлат фойдасига мусодара қилинмаган). Бундан ташқари, қорхона раҳбари Б.

зоси тўртдан бирига қисқартириб ўтатиш учун 7 йил 9 ой 11 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

«Хукук» рўзномасида чоп этилган «Шариповнинг айбони нима?» мақоласида кўрсатилган вақтлар билан келишиб бўлмайди.

Ж.Шариповнинг ЖК 210-моддаси 3-қисмининг «а,б» бандлари содир қилган жиноятлари биринчи босқич судининг ҳукми ва Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ақримида батафсил муҳокама қилиниб тасдиқланган деган ҳулосага келинган.

Тошкент вилоят суди томонидан 1996 йил 29 мартдаги ака-ука Қодиров Набижон ва Бахтиёрларга оид жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукмдан маълум бўлишича, тергов ва суд томонидан сўроқ қилинган Қодировлар ревизор Ж.Шарипов ДВП, гилам-поёндозларни омиборда кўриб, уларни қўрқитиб, бу ашёларни кириш қилдириб давлат фойдасига ўтказиб юбораман, сизларни қаматиб юбораман деб таъмағирлик қилганини, натижада 200 донa ДВП, 150 донa гилам-поёндозларни унинг берган адреси бўйича олиб бориб берилганлигини, Москвич машинасини ҳам Шариповнинг хотини номига расмийлаштириб берганларини кўрсатганлар.

Уларнинг бу кўрсатувларини омибор мудири Р.Қўшоқов, ҳайдовчи Ж.Шарипов, гувоҳ З.Аҳмедова, А.Бўриев, Ш.Юлдошев, М.Алимуқов, Холиқуловлар дастлабки тергов ва суд мажлисида тасдиқланган.

Бу ҳолатлар дастлабки тергов ва суд жараёнида ака-ука Қодировлар ва Шарипов ўрталарида ўтказилган юзлаштиришлар билан ҳам тасдиқланган.

Ака-ука Қодировларнинг суд

мажлисида пора берганлик фактлари бўйича ўз кўрсатувларини ўзгартирганлик ҳолатларига суд тақдирини баҳо бериб, улар Шарипов жиноятини енгиллаштириш учун қилган ҳаракати деб ҳисоблаган.

Жиноят иши бўйича сўроқ қилинган омибор мудири Р.Қўшоқов ўз кўрсатувларида Ж.Шарипов 1993 йилда тафтиш ўтказганда, омиборда Б.Қодировни сақлаб келаётган шахсий 3000 донaга яқин ДВП материаллари бўлганлигини, Шарипов бу материалларни биттадан санаганлигини, 1993 йил апрель ойида Б.Қодиров унга 200 донa ДВПни машинага ортиб Ж.Шарипов кўрсатган жойга олиб бориб беринган деганлиги учун «Мишаси» шоф-ёрнинг автомашинасига ишчилар ёрдамида ДВПни ортиб Ж.Шарипов берган Фаллаорол тумани Пушкин қўчасидаги ҳовлига олиб бориб берганларини баён қилган.

Ушбу кўрсатувни гувоҳ З.Аҳмедов ҳам тасдиқлаб, шу ДВПларни машинага ортиб Ж.Шариповнинг уйига олиб кетганларини кўрганлигини баён қилган.

Судланган Қодиров Бахтиёр «Олтин куз» кичик қорхонасига 16 донa енгил автомашиналар олиб келганлигини кўрган Ж.Шарипов ана шу машиналардан биттасини берасан, машина бермасан қамалиб кетасан», - деб айтганлигини, аммо унга бу машиналарни бера олмаслигини, бозордан бўлса ҳам олиб берасан деб айтганлиги сабабли уқиси Набижон билан маслаҳатлашиб, уқасининг қайнотаси А.Бўриевнинг номиде булган «Москвич» машинасини Ж.Шарипов томонидан берилган паспортдаги М.Файзуллаева номига расмийлаштириб берганларини кўрсатган.

Бу ҳолатларни сўроқ қилинган гувоҳ А.Бўриев, Ш.Юлдошева,

М.Алимуқов, Холиқуловлар тасдиқлаганлар.

Тошкент вилоят судининг Бахтиёр, Набижон Қодировларга нисбатан чиқарган ҳукмида Қодировлар айбондан 1.895.481 сўмлик 19.900 кг. полиэтилен гранулялари, 892.800 сўмлик 24 тонна металл труба, 288.800 сўмлик 20 донa аккумуляторлар 22.995 кг. лик оқ тунукаларни «Олтин куз» кичик қорхонасига кириш қилиб, уларни чиқимини қалбақлаштириб ўзлаштирган деган айб чиқариб юборилган бўлсада, лекин биринчи босқич суди Ж.Шарипов томонидан шу кичик қорхона «Олтин куз» ни тафтиш қилиш вақтида уни раҳбарларидан уларни қўрқитиб, таъмағирлик йўли билан пора олганлик факти ўз тасдиғини топган деб тўғри ҳулосага келган.

Бундан ташқари, Ж.Шариповнинг содир қилган жиноий ҳаракатлари жиноят иши бўйича ўтказилган тафтиш далолатномалари, қайта тафтиш ўтказган Х.Мавлонов кўрсатувлари, жиноят ишида мавжуд бўлган объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган.

Ж.Шариповнинг жиноий ҳаракатлари суд томонидан тўғри квалификация қилинган, жазо унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлари, шахсини ва оилавий аҳолини инобатга олиб қонун доирасида асосли та-йинланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1996 йил 24 октябрдаги ақрими билан ўзгартирилган Жиззах вилоят судининг 1996 йил 6 майдаги Ж.Шариповга нисбатан чиқарилган ҳукми тўғри деб топилади.

**Р.А.АҚБАРОВ,
Олий суд судьяси,
Минтақа раиси**

ТАҲРИРИЯТДАН

Қодиров Ж. Шарипов қорхонани тафтиш қилаётган вақтда гилам-поёндозлар қорхона омиборида эмас, балки бошқа жойда турганлигини айтиши (Б. Қодиров билан бўлиб ўтган суҳбат мақолада келтирилган), шунингдек, Ж. Шарипов «Москвич» русумли енгил машинасини ака-укадан қайси хизмати эвазига олганлигининг очилмасдан қолганлиги тафтишчининг қилмишида ЖКнинг 214-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби мавжудлигини йўққа чиқаради.

Чунки машинага нисбатан ака-укада эгалик ҳуқуқининг йўқлиги ёки у белгиланган тартибда қорхонага кириш қилинмаганлиги, шу билан биргаликда, Ж. Шариповнинг ЖКнинг 149-моддаси 2-қисми билан оқланиши машинани ҳақиқатан ҳам ўз пулига сотиб олганлигини тасдиқламайдими!

Балки айтиш мумкин, Ж. Шарипов гарчанд ЖКнинг 149-моддаси 2-қисми билан оқланган бўлса-да, гилам-поёндоз ва ДВПни қорхона раҳбарларини қўрқитиб, таъмағирлик йўли билан олган деб. Агар шундай бўлса,

1) Қорхона раҳбарлари гилам-поёндозларни (150 донa) сақлаб қолиш мақсадида тафтишчига берган экан, нега уларнинг маълум қисмини эмас, ҳаммаси (150 донa)ни берди?

2) Қорхона раҳбарлари ДВП тўғрисидаги кўрсатувларини нима учун 3-4 марта ўзгартирди?

3) Ж. Шарипов қорхона раҳбарларидан «Москвич» русумли енгил автомашинасини қайси «хизмати» эвазига пора сифатида олди?

Бундан ташқари, қонун ҳамма учун бир қиллиги, қонун олдида ҳамма тенг бурч ва мажбуриятга эгалигини амалда таъминлаш давлатимиз сиёсатининг бош тамойилларидан бирига айланган бир пайтда, гувоҳлар Қўшақов, Нуриддинов, Ташанов, Тугалов ва Аҳмедова ҳамда тафтишчи Х. Мавлоновлар Тошкент вилоят судининг ака-ука Қодировларнинг устидан бўлиб ўтган суд процессида бир хил, Жиззах вилоят судининг Ж. Шариповнинг қилмиши юзасидан бўлиб ўтган суд процессидаги эса иккинчи хил - Тошкент вилоят судидагига нисбатан мутлақо қарама-қарши кўрсатув берганлиги, яъни ёлғон гувоҳлик берганлиги очик-ойдин кўриниб турганлиги суд томонидан нега баҳоланмади! Инсонни, унинг шаъни, қадрини, ҳаётини оёқости қилган, қолаверса қонунларимизга нисбатан ҳурматсизлигини намоён этган шахсларнинг қилмиши нега жавобсиз қолиш керак!

Хўш, Ж. Шариповнинг айби нима!

БАДИА

Самолётимиз момикдай оппоқ ва охири кўринмас булутлар узра Нью-Йорк шаҳри томон сузиб борарди. Учқоқ иллюминаторларида Атлантика океанини кўришдай оддий истаким ҳам чиплакка чиққан, ҳатто баъзиларнинг елкасида сув сачратиб юрган китларни кўриб қолишнинг мумкин деган қизиқтиришлари энди аста-секин хомхалға айланаётганда. Юзимдаги изтиробни йўқотиш учун ўзимга бошқа бир овуноқ ахтара бошлайман. Газеталарни титкилайман. Лекин ўн икки соат давом этадиган тўхтовсиз сафарда газеталарнинг ўзи билангина овуниш ҳар қандай одамнинг ҳам сабр-қосасини тўлдириб юборарди.

Чекиб келиш учун, узун залга ўхшаб кетадиган «Боинг»нинг ортқи қисмига ўтар эканман, истараси иссиқ, чиройли, юзидан самимият ёғилиб турган қизга кўзим тушади ва беихтиёр:

— Яхшимисиз, зерикканимдан нақ юрагим ёрилиб кетай дегаян, — деб юборганимни билмай қоламан.

— Телевизор кўрмайсизми, зўр кино бўлаяпти-ку!?

— Йўқ, ҳеч нарсани кўргим йўқ. Қанақа шахарга бориб қоламан экан, деган хаёл бошимни гангитиб қўйди.

— Нима, биринчи келишингизми?

— Биринчи. Устига устак, тўсатдан. Иш кўпلىгидан ҳатто қаерга кетаётганлигимни тушунишга фурсат ҳам бўлмади.

Самолётга чиққанимдан кейингина Америкага келаётганимни ўйлаб, орзиқиб кетдим.

— Таваккалчи экансиз-да?

— Энди сизнинг таваккалчилигингиз олдида бизники ҳолва бўлса керак.

— Менга нима қипти?

— Ёшсиз, гўзалсиз, бир ўзингиз бегона бир ватанга кетиб бораёпсиз. Ёнингизда ҳеч ким йўқ.

— Э, кўркманг, мана уч йил бўлди. Биринчи курсга ўқишга келганимда ўн етти ёшда эдим. Кинолардаги чавандозлар, пистолетлардан ўқни нишонга беҳато урадиган чапдаст қовбойлар юрти—Техасни топиб борганимда, хаёлимдаги Америка мутлақо бошқа эканлигига амин бўлдим. Бу ерда ҳаммаси ўзгача.

— Сизол учун...

— Сизни қайси жиҳатлари қизиқтиради ўзи?

— Инсон ҳуқуқлари...

— Ақнадин яхши йўлга қўйилган. Айтайлик, пойтахт шаҳар Вашингтоннинг бугунги кундаги мери қора танли киши. Тасаввур қилаёйсизми, дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири бўлиши Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтон шаҳрининг ҳокими қора танли киши. Лекин бу демократияга этиб келиш учун Америкага неча юз йиллар керак бўлди. 1863 йил америкалик қора танли руҳоний Мартин Лютер Кинг оқ танлилар билан қора танли кишилар ҳудудинг тенг ҳуқуқли бандалари эканлиги ҳақидаги назарияни одамлар онгига синдириш ҳаракатига бутун ҳаётини бағишлади. Лекин шу ҳуқуқ учун курашгани туфайли отиб ўлдирилди. Юз йиллардан сўнг, Президент Жон Кеннеди, оқ танлилар ва қора танлилар тенг ҳуқуқли эканлигини ҳаётга жорий этганлиги учун, машҳур суиқасдга дучор бўлди. Ҳозир ҳам: баъзи низолар чиқиб туради. Лекин, амалдаги қонун оқ танлилар ва қора танлилар ҳуқуқини тенг қилиб қўйган.

— Ватан тушунчаси қандай?

— Айтайлик, баъзи америкалик қамокда ётса, қароватининг тепа-сига Американинг қичкинагина байроғини осиб қўяди. Нима учун? Чунки у ўз Конституциясидан, ўз давлатининг қонунларидан фахр-

ланади. Шунинг учун у Ватани учун жонини ҳам аямайди. Ўзи маҳбус бўлиб, жазо олаяпти. Лекин у тўғри жазо олаётганига иқдор. Шунинг учун, ихтиёрий равишда, Ватанига муҳаббати ҳатто шу ерда ҳам, бироз бўлса-да сусаймасдан байроқни бошининг устига ҳилпиратиб қўйган.

— Одамлар онгига Ватанга муҳаббат ҳиссини қандай уйғотиш мумкин?

— Бунинг йўллари кўп. Мисол учун, Вашингтоннинг қоқ марказида ўн гектарга қўзилган Арлингтон қабристон бор. Унда 220 мингга яқин Америка учун қон тўққан ҳарбийлар қабри жойлашган. 200 йил давомида қайси бир америкалик ўз Ватанининг шон-шавкатини учун, дунёнинг қайси бир бурчидида, Европадами, Ўстнамдами, Ироқдами, ҳуллас, қанчалик узок бўлмасин, қаерда ҳалок бўлган бўлса, ҳоки Арлингтон қабристонга келтириб қўйилган. Бу нарса албатта, жангчида Ватанига муҳаббат туйғусини уйғотади. Чунки, одам ўлганидан сўнг Ватаним маффаатларимни ҳимоя қилар экан, деб ишониши, бу муҳим гап, муқаддас ишонч экан.

— Ўзингиз чин юракдан иқдор бўлган нарсангиз нима?

— Мен Пайгамбаримизнинг «Порахўрлик — ҳар қандай жамиятни қулатувчи иллат» деган ҳадиси шарифларини ўқиб, бу сўзга ўнчалик ишонмай юрардим. Америкага келганимдан сўнг, бу сўз нақадар тўғри айтилганига ҳар қадамида иқдор бўла бошладим.

Ишонасизми, бу ерда порахўрлик деган тушунчанинг ўзи йўқ. — Унчаликмасдир. Улар пулни яхши кўради, деб эшитганман. Пулсиз, бир пиебла чой ҳам тутишмас экан. Кеча-ю-кундуз пул деб югуриб юришар экан-у.

— Тўғри, пул, фойда — бу ерда этикод даражасига кўтарилган, лекин порахўрлик эмас. Пулни ҳалол меҳнат эвазига топишди. Олайлик, бу ерда университетлар шахсий. Лекин, илми бўлмаса, шу университет эгасининг боласи ҳам ўқишга киролмайди. Унинг илми паст бўла туриб, қандайдир йўллар билан ўқишга киришини, жамиятга хиёнат, Ватанга хоинлик, Америкага сотқинлик деб тушунишди ва бундай бўлишга ҳеч қачон йўл қўйишмайди. Ота ўғлига хиёнат қилиши мумкин, лекин жамиятга, унинг яшаш тарзи, урф-одатлари, қонун-қоида-сира хиёнат қилмайди.

— Гулсарахон, қелинг соддарок гаплардан гаплашиб кета қолайлик. Боя, бу ерда ҳаммаси бошқача дегингиз. Қизлари ҳам бошқачами?

— Қизлари ҳам.

— Нега?

— Негаки, таъки кўринишларининг оладиган бўлса, бу ер қизлари бир-понтаси бизнинг оилаларга ўхшаб ясан-тусан қилиб кийинмайди. Тилла

сирга, тилла узук, тилла занжирларни деярли тақшимади. Бутун Американи айланиб тилла тиш қўйган одамни учрата олмайсиз. Бизнинг қизларимиз фасон бўлиб, қўчага кийиб чиқадиған қийимларни булар фақат тўйга кийиб боришлари мумкин. Соч турмақлаб баланд пошна туфилларни қиз бола йилда бир ёки икки марта катта базмларга борганда кияди. Қолган ҳолларда оддий, биз уйда киядиган қийимларда, футболкада, майка, красовка, жемфилларда юрадилар. Сочларининг узунлиги ҳам бир қарич, нари борса икки қарич, аксарияти тўрт энлик.

— Муҳаббат бобида-чи?

— Муҳаббат бобида ундан ҳам оддий. Айтайлик, йигит билан қиз учрашиб, бир-бирини ёқтириб қолишса, икки соатдан кейин, бошпана топиб яшайверишлари мум-

мушга чикасиз?

— Америкада мингга яқин ўзбек талабалари таълим олади. Қолаверса, ота-онам ҳам қараб туришмас... (У шўх қулади). Саволларим ярим ҳазил ярим чинлигидан завқланади ва ўзи ҳам мени эрмак қилаётганидан баҳри-дили очилиб нозланади. Лекин мен бас келмаман. Унинг қитиқ патига тегишни давом эттиравераман.

— Энди қайтиб борганингизда Тошкент йигитлари ҳам қишлоқи кўринса керак.

— Йўқ, унчалик эмас. Лекин мен ўзимизнинг урф-одатларини яхши кўраман. Қизларимиз ҳудди маликалардай кийинишларини яхши кўраман. «Йўқ» деб хархаша қилишларини яхши кўраман. Улар ота-оналарининг эркатой арзандалари бўлиб юришларини яхши кўраман. Ўз турмуш ўртоқларининг чўриси

шаҳарда Конгресс қошонасидан баланд иморат йўқ. Яъни қонун чиқазуви бинодан баланд бимо йўқ. Бу қонундан устунроқ ҳеч нарса йўқ деган маънони билдиради. Вашингтон эса Тошкентдан аҳоли сони жиҳатдан тўрт, беш барабор кичик бўлса-да, дунёдаги энг қудратли давлат пойтахтидир.

Америка аёлни улуғлагани туфайли неча юз йиллар ўтиб, шундай қудратли давлатга айланди.

— Энди, ҳайкални ўрнатгани учун қудратли бўлмагандир?

— Гап ҳайкалда эмас, аёл кишига ҳурматда. Орадан юз йиллар ўтиб бўкичкна ҳайкал Нью-Йоркка ўрнатилди. Озодлик ҳайкалини эшитган бўлсангиз керак. Нега бу ҳайкал аёл тимсолида? Нега инсон учун энг қадрили туйғу, озодлик аёл тимсолида. Чунки аёл муҳаббат тимсоли. Ватан тимсоли, Она тимсолидир.

Гулсара (у ўз фамилиясини сир тутганининг қол-қора қўзларида саодатманд туйғу ялтираб кетди. Қани сўзларимга нима деркин деб, менга қарарди. Мен эса бироз айбдордай кўзимни иллюминатор томонга олиб қочдим... Рости, нима дейишни ҳам билмасдим. Ахир мен ҳам аёл кишига меҳр-муҳаббат чексиз бўлиши тарафдори эдим-да. Шу пайт Гулсаранинг таъбиб этувчиси нигоҳидан қутулишга сабаб топгандай:

— Ана қаранг, шахарга яқинлашяпмиз, — дедим қувониб.

Гулсара иллюминатор томонга энгашди. Чексиз баҳри муҳит туғаб, ер кўрина бошлаган, самолёт пастга қараб энка-яётганди. Шу пайт стюардесса хонимнинг майин овози таралди:

— Ҳурматли йўловчилар! Самолётимиз Нью-Йорк шахрига яқинлашмоқда. Илтимос, бел камларингизни боғлангиз. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ходимлари барчангизга хуш ҳайиёт тилайди. Эътиборингиз учун раҳмат!

Кейин шу сўзлар инглиз тилида такрорланади.

Мен, завқ билан иллюминатор ойнасидан Нью-Йорк шахрини томоша қила бошлайман. Кўзим қўлини баланд кўтариб турган Озодлик ҳайкалига тушади.

— Ана, сиз айтган Озодлик ҳайкали. Оппоқ ва жуда сабобатли экан.

— Мен уни яқиндан кўрганман. Пастда туриб қарасангиз, бундан ҳам улғувор кўринади.

— Албатта бориб кўраман. Бизда Библихоним мадрасаси аёлга эхтиром рамзи сифатида қўрилган. Тожмаҳалли ҳам бизнинг боболаримиз қуришган. Қолаверса, ҳаммаша қалбимизда ўзбек аёлига нисбатан мана шу ҳайкал даражасидаги меҳр-муҳаббат, эхтиром яшаб келган. Қолаверса, биз ўз ҳурматиимизни ҳайкалларга эмас, юрагимизга жойлаганимиз.

— Шундай бўлсин!

— Ҳўп, хайр!

Биз тушишга тайёрлана бошладик. Бизни номаълум Америка қутити турарди. Қачонлардир Беруний бобом кашф этган бу сехрли днёрга илк қадамларимизни бирма-бир ташлаб йоллар эканмиз, бу юрт одамларига Она — Ўзбекистонимиз ҳақида жўшиб-ҳайқириб айтадиган қутлўғ сўзларимиз аста-секинлик билан юрагимизда нфтирор туйғусини кўтара бошладик.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
Тошкент - Нью-Йорк



